

## **Фиқх дарслари (102-дарс). Суннат ғусллар**



14:07 / 10.09.2020 4251

Жума, икки ийд намози, эхром ва Арафа учун (ғусл) суннатдир.

Поклик дини бўлган Ислом мусулмонларни фақат вожиб ғусллар билан кифояланиб қолмасдан, ғусл вожиб бўлмаган вақтларда ҳам бу ишни қилишиб туришга тарғиб қилган.

## 1. Жума намози учун.

Бу ҳақда күплаб ҳадислар келган. Пайғамбарымиз соллаллоху алайхи  
васаллам ҳам жума намози учун ғұсл қылғанлар, бошқаларни ҳам ғұсл  
қилишга буюрганлар.

????? ?????? ??????? ?????????? ?????????????? ?????????? ??????

????? ??????? ?????????????? ??? ??? ????? ????? ?????

?????: «????????? ?????? ?????? ?????????????? ??????»

????? ?????. ??????????».. ??????? ??????????..

Абу Саъид Худрий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Жума кунининг ғусли ҳар бир эҳтилом бўлувчига вожибдир», дедилар».

Икки шайх ривоят қилишган.

Бу маънодаги ҳадислар кўп. Шунинг учун ҳам баъзи мазҳабларда жума кунги ғусл суннати муаккада дейилган.

Ҳанафий мазҳабига кўра жума кунги ғусл суннатдир.

????? ?????????? ????. ?????????? ??????: ?????? ???????  
?????? ??? ?????? ????: «????? ?????????? ??????  
?????????? ?????? ?????? ?????????????? ?????? ???????????  
????????????? ??????».. ??????? ??????????????????.

Самура ибн Жундабдан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким жума куни таҳорат қилса, қандай яхши. Ким ғусл қилса, ғусл афзал», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

2. Икки ийд намози учун.

Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилганлар ва бу ишга тарғиб этганлар.

????? ?????? ?????????? ?????? ?????? ?????????? ??????:  
????? ??????? ?????? ??? ?????? ??? ?????? ??????????  
????? ?????????? ?????????? ?????????? ??????????. ????????

????? ???????.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фитр куни ва Қурбонлик куни ғусл қиласар әдилар».

Ибн Можа ривоят қилган.

3. Ҳаж ёки умра учун эҳром боғлагандага ғусл қилиш.

Бу ишни ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қилғанлар ва унга барчани тарғиб қилғанлар.

????? ?????????? ?????? ?????? ?????? ?????????? ??????  
????????: ??????? ?????? ?????????????? ??? ??? ??? ????  
????? ?????????? ?????????????????? ??????????????????.  
????????? ?????????????????????? ??????????????????????.

Хорижа ибн Зайд ибн Собит отасидан ривоят қиласди:

«У киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эҳром боғлаш учун ечиниб ғусл қилғанларини кўрган».

Термизий ва Дора Қутний ривоят қилишган.

????? ??????????? ??????? ?????? ??????? ????????:  
????????? ?????????? ??????? ?????????? ??????????????  
????? ?????? ??????? ?????????????????? ??????????  
????????? ?????? ??? ?????? ??? ?????? ??? ?????? ???  
????????????? ??? ?????????????? ??????????. ??????????  
??????????.

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Асмо бинти Умайс Мұхаммад ибн Абу Бакрни бир дарахт тағида туғиб, нифосли бўлиб қолди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакрга унга ғусл қилиб, эҳром боғлашга амр қилишини буюрдилар».

Муслим ривоят қилган.

4. Арафотда туриш учун ғусл қилиш.

Бу ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан событ бўлган суннатдир.

????? ???????????? ??? ?????????? ??? ?????? ??????

????????? ??? ??????: ?????? ?????? ??? ??? ???

????? ???? ???? ????? ?????????? ?????? ??????????

????????? ?????????? ?????????? ??????????.

Баззор ўз «Муснад»ида ал-Фоких ибн Саъд ҳадисида ривоят қиласы:

«Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам Фитр куни, Қурбонлик куни ва Арафа куни ғұсл қиласы әдилар».

Қуйида «Мухтасар»да зикр қилинмаган, лекин суннат ҳисобланған ғұсларни санаб үтәмиз.

5. Истиҳоза (одатдан ташқари қон) күрган аёл учун.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам Умму Ҳабиба ва Зайнаб бинти Жаҳш оналаримизни шундай ҳолатларда ғұсл қилишга буюрганлар.

????? ??????????: ?????? ?????? ??????????

????????????? ?????? ?????????? ?????????????? ??????????

????????? ???? ???? ???? ???? ?????? ??????????????

????? ?????????????? ??????????: «????? ??????».

????????? ?????????????? ?????????? ??????????. ?????????

?????????????????.

Оиша розияллоху анходан ривоят қилинади:

«Умму Ҳабиба етти йил истиҳоза күрди. Расулуллох соллаллоху алайхи васалламдан бу ҳақда сұраганида, уни ғұсл қилишга буюриб:

«Бу томир касаллигидир», дедилар. У ҳар намозга ғусл қиласынан әзиз атасының ғасырынан шындырылған.

Бухорий ривоят қилған.

Бу ҳукм ҳайздаги одат кунларини унтутиб қўйган аёл учундир. Агар одат кунлари маълум бўлса, ундан бошқа кунларда ҳар намозга янги таҳорат қилиб ўқийверади.

6. Ҳушидан кетган одам ўзига келганда ғусл қиласынан әзиз атасының ғасырынан шындырылған.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилғанлар. Уламолар бунга жиннилиқдан тузалган ва мастиқдан ҳушёр бўлган одамларни ҳам қўшадилар.

????? ??????????? ?????? ?????? ??????? ??????:  
?????? ??????????? ??? ?????? ??? ?????? ??????:  
«????????? ??????????» ??????: ?????? ???  
????????????????? ??????: «?????? ??? ?????? ???  
?????????????»? ??????: ?????????????? ??????????????  
????????? ?????????? ?????? ??? ?????? ??? ??????:  
«????????? ??????»? ??????: ?????????????? ???  
????????? ?????!: «?????? ??? ?????? ???  
?????????»? ??????: ?????????? ??????????????

????? ???? ???? ???? ???? ???? ????  
????? ???? ?????: «????? ????»  
?????: ??? ???? ?????????????? ??? ????  
?????! ??????: «????? ??? ???? ???  
?????????»? ?????? ??????????. ??????  
????????????.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам оғирлашиб қолдилар ва:

«Одамлар намоз ўқишдими?» дедилар.

«Йўқ, улар сизни кутишяпти», дедик.

«Менга тоғорачада сув келтириб қўйинглар», дедилар.

Шундай қилдик. У зот ғусл қилдилар ва туришга ҳаракат қилган эдилар, ҳушларидан кетиб қолдилар. Сўнгра ўзларига келдилар ва:

«Одамлар намоз ўқишдими?» дедилар.

«Йўқ, улар сизни кутишяпти, эй Аллоҳнинг Расули», дедик.

«Менга тоғорада сув келтириб қўйинглар», дедилар. Кейин ўтириб ғусл қилдилар ва туришга ҳаракат қилган эдилар, яна ҳушларидан кетиб қолдилар. Сўнгра ўзларига келиб:

«Одамлар намоз ўқишдими?» дедилар.

«Йўқ, улар сизни кутишяпти, эй Аллоҳнинг Расули», дедик.

«Менга тоғорада сув келтириб қўйинглар», дедилар. Кейин ўтириб ғусл қилдилар...»

Бухорий ривоят қилган.

7. Кўпчилик тўпланиб қилинадиган ибодатларда нохуш ҳидлар тарқалиб кетишининг олдини олиш ниятида ғусл қилиш тавсия этилади.

Бундай ишларга Муздалифада тунаш, шайтонга тош отиш, зиёрат ва видо тавофлари, қуёш ва ой тутилгандаги намозлар ва истисқо намозлари киради.

????? ??????????: ???? ?????????? ???? ??????

?????????? ?????? ??????????: ??? ?????? ??????????

?????? ?????? ?????????? ?????? ?????????????? ??????????

?????: ??? ?????????????? ?????? ?????? ?????????? ??????

?????????? ?????? ?????? ?????? ?????????? ??????????

????????? ?????????????? ?????? ?????????? ?????????? ??????

?????? ?????????????? ?????? ?????? ?????????? ?????????? ??????

????????? ?????????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????

????????? ?????????? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ???

????????? ?????????? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ???

Икrimадан ривоят қилинади:

«Ахли Ирқдан бир түп кишилар келиб:

«Эй Ибн Аббос! Сен жума куни ғусл қилиш вожиб деб биласанми?»  
дайишди. У деди:

«Йўқ. Лекин у ғусл қилувчи учун покроқ ва яхшироқдир. Ким ғусл қилмаса, унинг учун вожиб эмас. Сизга ғуслнинг бошланиши қандай бўлганини айтиб бераман. Одамлар қийинчиликда бўлиб, жун кийим кийишар ва орқаларида юк кўтариб ишлашарди. Масжидлари тор ва шифти паст, сўриток каби эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иссиқ кунда

чиқдилар ва одамларнинг ўша жунда терлаб, ҳид анқигани учун бир-бирлариға озор берганини кўрдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша ҳидни сезиб:

«Эй одамлар! Агар шу кун бўлса, ғусл қилинглар ва ҳар бирингиз ўзининг энг афзал мойи ва хушбўйидан суртсин», дедилар».

Ибн Аббос:

«Кейин Аллоҳ яхшиликни келтирди ва одамлар жундан бошқа нарсани кийдилар. Ишдан озод бўлдилар ва масжидлари кенгайтирилиб, бир-бирлариға озор беришлариға сабаб бўлган тер ҳиди ҳам кетди», деди».

Абу Довуд ривоят қилган.

**«Кифоя» китобидан**